

# ГЕНДЕР ГЕОГРАФИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бердикулова Мухайё Тоштемировна  
Қарши давлат университети География кафедраси ўқитувчиси

*Аннотация:* Мақолада социал иқтисодий географиянинг янги тармоғи бўлган гендер географиясининг шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий масалалари, шунингдек, гендер тадқиқотларининг назарий асослари қисқача баён қилинган.

*Таянч сўзлар:* гендер географияси, гендер, социал жинс, гендер тенглиги, квир-тадқиқот, гендер тадқиқотлари.

## СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ГЕНДЕРНОЙ ГЕОГРАФИИ

*Аннотация:* В статье кратко описываются социальные проблемы становления и развития гендерной географии - новой отрасли социально-экономической географии, а также теоретические основы гендерных исследований.

*Ключевые слова:* гендерная география, гендер, социальный гендер, гендерное равенство, квир-исследования, гендерные исследования.

## SOCIAL ASPECTS OF GENDER GEOGRAPHY

*Annotation:* The article briefly outlines the issues of the formation and development of a new branch of social geography – gender geography, as well as the theoretical foundations of gender research.

*Keywords:* gender geography, gender, social sex, gender equality, kvir- research, gender research.

Гендер тадқиқотлар ривожланаётган билим соҳаси бўлиб, унда янги гендер назариялари шаклланиб, илмий асосланиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар кенг доирадаги фанларда метод ва ёндашувларга таяниб, қуйидаги кичик бўлимларга бўлинади: гендер социологияси; гендер психологияси; гендер географияси; фалсафада гендер ёндашуви; гендер иқтисодиёти; гендер сиёсатшунослиги; гендер тенглик сиёсати, гендер компетенцияси, гендер таълими, гендер тилшунослиги; гендер антропологияси кабилардир.

XX асрнинг иккинчи ярмида географик билишнинг теранлашишини ва жамият мураккабланишининг объектив жараёнини ҳамда унда фаолиятнинг янги тармоқлари ва жабҳаларининг вужудга келишини акс эттирган янги йўналишларнинг шаклланиши содир бўлди. Шу даврда гендер тадқиқотларнинг бўлими бўлган гендер географияси таркиб топди ва ривожлана бошлади.

Инглизча “гендер” сўзи латинча “genus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек тилида “уруғ, зот, насл” маъноларини англатади. “Гендер” тушунчаси турли

жамият ва маданиятларда фарқ қиладиган аёллар ва эркеклар орасидаги социал тафовут ва муносабатларга мансуб. Бу тушунча одамнинг жамиятдаги хулқини ва бу хулқ қандай идрок қилинишини белгилайдиган социал жинсдир. У “жинс” тушунчасидан фарқ қилган ҳолда эркеклар ва аёллар ўртасидаги жисмоний тафовутларга эмас, балки уларнинг социал таркиб топган муносабатларига ва ишларига (ролларига) мансуб [1].

*Гендер* – жамиятда инсон хулқини ва бу хулқ жамиятда қандай идрок қилиниши (ўзлаштирилиши)ни белгилайдиган социал жинс. Гендер термини америкалик психоаналитик Р.Столлер томонидан XX асрнинг иккинчи ярмида муомалага киритилган бўлиб, асл биологик (анатомик, генетик, физиологик жиҳатларни ўз таркибига сингдирган “биологик жинс” тушунчасидан фарқ қилган ҳолда социал жинсни англатади [4]. Гендер – бу эркеклар ва аёллар ролларининг биологик жиҳатдан ва маълум муносабатларга боғлиқ бўлмаган социал-маданий жиҳатидир (социал жинс). Гендер географияси америка ва инглиз география мактабларида XX асрнинг 60-йилларида иқтисодий ва социал географиянинг тармоғи сифатида вужудга келди. Ижтимоий географиянинг таркибий қисми сифатида гендер географияси АҚШ ва Буюк Британияда деярли бир пайтда ривожлана бошлади. Бу йилларда гендер роллар, муносабатлар, уларнинг регионал фарқлари ва жой, ҳудудий жараёнлар, ландшафтлар ва атроф муҳит билан ўзаро таъсири географик тадқиқотларда инновацион ва анча кенг маълум бўлган жабҳаларга айланди. 1970-йиллардан бошлаб нафақат гендер географияси тадқиқотларининг доираси кенгайиб қолмасдан, балки фаннинг ўзи ҳам инглиз-америка мактаби чегараларидан чиқиб интернационал сажияга эга бўлди. Социал географиянинг аёлнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, айниқса уларнинг меҳнат жараёнида, социал хизматларда ва бошқа соҳаларда бандлигини, турли мамлакатларда аёлларнинг тенг бўлмаган аҳволининг сабаларини ўрганадиган тармоғи. Гендер географияси гендер ёндашуви асосида яратилган [5]. Украиналик географ Н.И.Мезенцеванинг (2013) фикрича, гендер географияси ижтимоий-географик фан бўлиб, ижтимоий-географик жараёнларда гендер ўзаро

нисбатларининг регионал фарқларини, гендер идентификацияси ва жамиятдаги гендер ролларини идрок қилишнинг регионал хусусиятларини ўрганади [3]. Гендер географиясининг объектини турли ижтимоий-географик жараёнлардаги, регионлардаги гендер ўзаро нисбатлари ва регионал социумдаги гендер идентификацияси, предметини эса гендер ўзаро нисбатлари ва гендер идентификациясидаги ҳудудий тафовутлар ташкил этади. Социал географиянинг таркибий қисми бўлган гендер географияси сиёсий ва электорал география, аҳоли турмуш даражаси ва сифати географияси, тиббиёт географияси ва бошқа фанлар билан бир қаторда тармоқ фанларига мансуб деб ҳисоблайди. Гендер географиясининг тадқиқот предметига ҳудудий ўлчамдаги гендер муносабатларининг назарий асослари, бутун замонавий маданият антропосентризмнинг регионал хусусиятларини очиб бериш, гендер роллари системасини регионал ўлчамда ўрганиш киради.

Социал география гендер муаммоларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган барча назарий-методологик асосларга эга деб ҳисоблайди. Айрим ҳудудлар ва умуман регионлар социал ривожланишининг гендер жиҳатлари, гендер муаммолари шаклланишининг шароит ва омилларини аниқлаш, ҳудудий жиҳатдан гендер нотенглиги динамикасини тадқиқ қилиш гендер географияси тадқиқотларининг асосий йўналишларидир.

Гендер аёллар ва эркаклар орасидаги фарқ бўлиб, жамият томонидан моделлаштирилган ва социал институтлар қўллаб қуватлайдиган эркак ва аёлнинг хулқининг қадриятлари, меъёрлари ва тавсифларининг тизими, аёллар ва эркакларнинг шахслар сифатида эришган ҳаёт усули, роллари ва муносабатлари тизимидир. Жамиятшуносликда гендер - бу социал жинс. Айнан гендер эркак ва аёл жамиятда бажарадиган ролни белгилаш асосида туради. Оддийроқ қилиб айтганда гендер деб жамият аъзосидан унинг жинсий мансублигига мос ҳолда кутиладиган хулқ сифатида белгилаш мумкин. Гендер стратегияси доирасида гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт

муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади. Гендер тенглиги ва жинсий тенглик, аниқроғи: эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенглик - бу оилада эркаклар ва аёллар ўртасида тенг ҳуқуқларга эришишни назарда тутадиган тушунча ва бошқа қонуний муносабатлар. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, гендер тенглиги - бу патриархал тизимдан кейинги ижтимоий-жинсий муносабатларнинг кейинги босқичи. Гендер тенглиги тамойили инсоннинг шахс сифатида пайдо бўлишига тўсқинлик қиладиган барча ижтимоий тўсиқларни ўрганиш ва йўқ қилиш, шунингдек, ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар ва аёллар шахсиятини англаш учун тенг ижтимоий имкониятларни яратишдан иборат [1]. Ижтимоий-географик жараёнлардаги гендер ўзаро нисбатларининг регионал тафовутлари: гендер сиёсатининг давлат стратегияси, унинг қонунчилик ва институционал таъминланиши; ҳудуднинг социал-иқтисодий ривожланишининг даражаси ва аҳоли турмуши сифати; ҳудуднинг шаҳарлашув даражаси; хўжаликнинг ихтисослашуви, аҳолининг жинсий-ёш тузилмаси, аҳоли турмуш тарзи ва менталлиги, жамиятдаги тарқалган гендер стереотиплари билан боғлиқ. Гендер географиясида асосий йўналишларни регионларда сиёсий ва бошқарув жараёнларидаги, меҳнат бозоридаги, таълим ва илмий фаолиятдаги, социал – демографик жараёнлардаги гендер ўзаро нисбатларини, уларнинг динамикаси ва хусусиятларини тадқиқ қилиш ташкил этади.

Гендер географияси ижтимоий-географик жараёнлардаги гендер нисбатларининг ҳудудий тафовутларини ва гендер идентификациясининг ҳамда жамиятда гендер ролларининг идрок қилинишининг регионал хусусиятларини ўрганади. Гендер нисбатларининг ҳудудий тафовутлари меҳнат ресурсларида, социал-демографик ва бошқарув жараёнларида яққол намоён бўлади. Гендер географияси тадқиқотларининг предметиға ҳудудий ўлчамдаги гендер муносабатларнинг назарий асослари, регионал ўлчамдаги социал-жинсий (гендер) ролларни, яъни индивидлардан кутиладиган ахлоқ моделларини жамият томонидан яратилган “эркак” ва “аёл” тўғрисидаги тасаввурларнинг мос бўлиши

киради. Гендер географияси вазибаларига барча қоидаларда нафақат субъект-эркакка, балки субъект-аёлга йўналтирилган фанни яратиш киради. Гендер тадқиқотлар фанлараро тадқиқотлар амалиёти бўлиб, социал жинс (гендер) назариясининг билиш имкониятларидан ижтимоий ҳодиса ва улар ўзгаришларининг таҳлили учун фойдаланилади, Бу тадқиқот соҳаси аёллар бўйича тадқиқотлар (аёлларга, феминизмга, гендерга ва сиёсатга тааллуқли), эркаклар бўйича тадқиқотлар ва квир-тадқиқотларни қамраб олади (*квир-тадқиқот* гендер тадқиқотлар доирасидаги хулқнинг жинс - рол моделларини гепермеъерийлик шароитларида ва гендер ўхшашлик контекстида ўрганадиган мустақил илмий фан ёки ўрганиш соҳаси). Гендер нисбатларининг ҳудудий тафовутлари меҳнат ресурсларида, социал-демографик ва бошқарув жараёнларида яққол намоён бўлади. Тарихий ривожланишда, ҳозирги пайтда ва прогноз қилинадиган келажакда қараладиган социал реалликнинг феноменлари, ҳодисалари ва жараёнлари гендер тадқиқотларининг объектларидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатининг 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-4-сонли “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
2. Abdullayev S.I. Berdiqulova M.T. Gender geografiyasining mohiyati. Tabiiy fanlarni o‘qitishning dolzarb muammolari, zamonaviy yondashuvlari va istiqbollari mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Buxoro davlat pedagogika instituti, 2024 yil 20 may.
3. Qo‘ldosheva G., Abdullayev S.I. Geografiyada gender tadqiqotlar. // Fan, taraqqiyot va yoshlar. Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Qarshi – 2015.
4. Мезенцева Н.И. Гендерная география в Украине // Географические науки в обеспечении стратегии устойчивого развития в условиях глобализации ( к 100-летию со дня рождения профессор Н.Т.Романовского). Материалы Междунар. Науч. – прак. конференции., 25-28 окт. 2012., Минск, Беларусь / редкол.: И.И.Пирожник (гл.ред.) – Минск: Изд. Центр БГУ, 2012. – 362 с.
5. Потураева А.В. История развития и теоретико-методические основы гендерной географии // Региональные исследования. 2020. № 2. С. 39–51. DOI: 10.5922/1994-5280-2020-2-3.
6. <http://Отпуск-Info.Ru/Journey/Dictionary/Geography/Fc/Slovar-195-1.Htm>